

## Ҳадис дарслари (228-дарс) Таҳоратни мукамал қилиш



19:00 / 27.04.2023 3428

الْجَرَّ نَأُ هُنَّ عُهُ لَلَا يَضَرَّ رَمُعُ نَع  
يَلَعِ رُفُظًا عَضُومَ كَرَّتَ فِ الْأَضَوَاتِ  
يَلَصُّ يَبْنُلَا هَرَصُ بَأْفِ هِمَدَقِ  
عَجْرًا بَلِاقَفَ مَلَسَ وَسَوْ هِيَ لَعُهُ لَلَا

يَلَصُّ مُتَّعَجَّرَفَ لَكَءُضُؤٌ نَسْحَافٍ.  
غُبْسًا هَلَوٌ. دُوَادٌ وَبَأُوْمَلْسُْمُ هَاوَرِ  
عَبْأَصْأَلِ نَبِ لَلْخِ وَءُضُؤَلِ  
نَأْأَلِ قِأَشْنَسْأَلِ يَفْغَلِأَبِو  
أَمِئْأَصْ نَوَكَّتْ

Умар розияллоху анхудан ривоят қилинади:

**«Бир одам таҳорат қилиб, оёғининг тирноқча жойига сув етказмади. Набий соллаллоху алайҳи васаллам буни кўриб қолдилар ва:**

**«Қайт, таҳоратингни яхшилаб (мукаммал) қил», дедилар. У қайтди ва сўнгра намоз ўқиди».**

*Муслим ва Абу Довуд ривоят қилганлар.*

Абу Довуднинг ривоятида:

**«Таҳоратни мукаммал қил. Панжалар орасига сув етказ ва рўзадор бўлмасанг, бурунга сув олишда муболаға қил», дейилган.**

Бу ҳадиси шарифда таҳоратни яхшилаб қилиш, таҳоратда аъзоларни тирноқча ҳам жойини қолдирмай, яхшилаб ювиш зарурлиги ҳақида сўз бормоқда.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг саҳобалар шариатга қандай амал қилаётганларини зийраклик билан кузатиб туришлари. У зот соллаллоху алайҳи васаллам бир киши оёғининг тирноқчалик жойига сув етмай қолганини кўриб ҳам танбеҳ бердилар. Устозлар бундан ўрнак олишлари лозим.
2. Бировнинг қилаётган амалида хато ёки камчилик кўрилса, дарҳол айтиш кераклиги.

3. Аъзоларнинг ҳамма жойига сув етказиб ювиш зарурлиги.
4. Тирноқча жойга ҳам сув етмай қолиши мумкин эмаслиги.
5. Камчилик аён бўлганда қайтиб бориб, уни бартараф қилиш кераклиги.
6. Таҳоратни яхшилаб қилиш зарурлиги.
7. Айниқса оёқни ювишда эҳтиёт бўлиш лозимлиги.
8. Панжаларнинг орасига сув етказишга алоҳида эътибор бериш зарурлиги.
9. Бурунга сув олганда, рўзадор бўлмаса, иложи борича ичкарироққа етказиш, шунингдек, оғизни чайганда ҳам шунга риоя қилиш лозимлиги.

Мана шу икки ҳадисни ҳар бир мусулмон яхшилаб ўрганиши ва доимо ёдидан чиқармай юриши зарур. Чунки бу ҳадисда зикр қилинган хатолар ҳаётда кўп учрайди. Шунинг учун бу ҳадислардаги таҳдид ва танбеҳлар ҳар бир мусулмоннинг ёдидан зинҳор кўтарилмаслиги лозим.

Айниқса оёқни ювиш ҳақидаги талаблар алоҳида эътиборга лойиқ. Аввало оёқни ювишда кўпчилик нотўғри ўтириб олиб, қийналишади. Ўша ноқулайлик туфайли оёқни яхшилаб ювиш имкони камаяди. Қолаверса, оёққа масҳ тортса бўлади, деганлар бор. Уларнинг бу гаплари турли даврларда тез-тез қўзғалиб ҳам туради. Ана шу нарсадан таъсирланиб қолмаслик керак.

Аввал ҳам бир неча бор таъкидланганидек, таҳорат қилиш ибодатдир. Таҳоратни чала қилиш эса ибодатни чала қилиш бўлади. Бунинг устига, таҳоратнинг чала бўлиши бошқа ибодатларни йўққа чиқаради. Шунинг учун таҳоратга муҳим ибодат сифатида жиддий қараш ҳар бир мусулмоннинг бурчидир.

Бунинг учун аввало таҳорат қиладиган жой яхши ва қулай бўлиши керак. У жойда барча қулайликлар, таҳоратни шариатда кўрсатилгандек қилиш имкониятлари бўлмоғи лозим. Ҳатто сувга эътибор бермоқ зарур.

Таҳоратга оддий покловчи сувдан бошқа сув ишлатиш мумкин эмас. Нопок сув, турли омиллар билан таъми, ҳиди, ранги ўзгарган сув ҳам бўлмаслиги керак. Бу Аллоҳ қаршисида ҳамма тенглиги, шариатдаги амаллар халқчиллиги рамзидир. Агар оддий сувдан бошқа сувда таҳорат қилишга ижозат берилса, бойлар тиллонинг суви ила таҳорат қилиб, гердайиши,

камбағаллар ўксиши мумкин эди.

Лекин ўша ижозат берилган сув ҳам таҳорат ибодатини яхшилаб амалга ошириш учун омил бўлмоғи керак. Мисол учун, об-ҳавога қараб, мўътадил бўлиши зарур. Сув ўта иссиқ ёки совуқ бўлса, хушуъ ва хузуъ ила таҳорат қилишга халақит беради.

Уламоларимиз таҳорат борасида келган ҳамма ҳадис ва манбаларни ўрганиб, сўнг ишлаб чиққан таҳорат одобларига, бу борадаги қоидаларга назар солсак, ушбу ҳақиқатни яна ҳам тўлароқ тушуниб етамиз.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 18 февралдаги 03-07/1102-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.